

★ ★ ★ ★ ★ ★ ★ ★  
Д. ЁРМАТОВА

ЮСУФ  
ВА  
ЗУЛАЙХО

ТОШКЕНТ

УЎК: 184.7+1.2  
КБК 83.4 (5Ўзб)3  
Ё-84

Ё-84

Д.Ёрматова. Юсуф ва Зулайҳо. –Т.: «Navro‘z»  
нашиёти, 2014, 192 бет.

ISBN 978-9943-381-04-9

Ушбу китобда муборак ишқ ҳақидаги достонларидан бири – Юсуф ва Зулайхонинг севги қиссаси насрий тарзда баён этилган. Буюқ севги қиссаси қаҳрамонларнинг ҳаёт йўли, ишқ дардида чеккан азоб-уқубатлари тасвирангандан.

Муаллиф достонни насрий тарзда баён этишга жазм этаркан, Абдураҳмон Жомий ва Рамз Бобожоннинг шу мавзудаги «Юсуф ва Зулайҳо» достонлари билан танишиб чиқди. Бундан ташқари, достонга оид бир қатор маълумотларни ўқиб-ўрганиб, асарини ўзига хос тасвиirlар, бадиий безаклар билан бойитди. Ушбу достонда бошқаларга ўхшамаган ташбеҳлар ва деталлардан фойдаланди, кўпроқ табиятга мурожаат этиб, ўхшатишлар қилди. «Юсуф ва Зулайҳо» достони бугунги кунда ҳам севиб ўқилади. Ушбу мавзу мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллажлари ҳамда ОТМ муассасаларининг дарсликлариға киритилган. Адабиётни ўрганаётган бакалавр йўналиши талабалари, илмий изланиш олиб бораётган магистрлар, докторантлар, мутахассислар учун фойдаланиладиган адабиётлар қаторига киради.

Муаллиф ушбу севги достони бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазаларни кутиб қолади ва китобхонларга олдиндан миннатдорлик билдиради.

ISBN 978-9943-381-04-9

© «Navro‘z» нашиёти, 2014.

## ДИЛОРОМ ЁРМАТОВА ТОМОНИДАН ЁЗИЛГАН «ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО» АСАРИНИНГ НАСРИЙ БАЁНИ ҲАҚИДА

Сергайрат, тиниб-тинчимас олима-профессор, Турон фанлар академиясининг академиги Дилором Ёрматова қишлоқ хўжалиги мавзусидаги қатор тадқиқотлари, салмоқли китоблари, зайдун, соя ўсимликларини етиштириш ва буғдой навларини яратиш соҳасидаги тажрибалари, амалиёти, эришган натижалари билан жамоатчиликка яхши таниш.

Айни чоғда, Д.Ёрматова бадиий, публицистик ижод билан ҳам шуғулланади: бир қанча ҳикоя ҳам ёзиб қўйган, баъзиларида мароқли сюжетлар мавжуд. Олиманинг узлуксиз ижод қилиши натижасида бора-бора услуб силлиқлашиши, тил бойиши кундан кунга кўзга ташланмоқда. Кейинги ёзган асарлари, айниқса, «Юсуф ва Зулайҳо» муҳаббатининг насрий баёни шундан далолат бериб турибди. Ҳарқалай, муаллиф жиддий, масъулиятли ишга қўл урган, катта меҳнат қилгани кўриниб турибди. Шоирлар сultonи Алишер Навоий устоз, пир деб улуғлаган Абдураҳмон Жомий «Юсуф ва Зулайҳо» деган гўзал достон машқ этган. Буюк немис шоири Гёте ҳам «Юсуф ва Зулайҳо» муҳаббатини шеърий йўсинда таърифлаган.

Халқ оғзаки ижодида бу буюк муҳаббат ҳақида жуда кўп сонли эртак, достонлар мавжуд. Юсуф ва Зулайҳо севгиси ҳақида жами 150 (шундан 50 таси бадиий) асар яратилган. Миллий энциклопедиямизда Абдураҳмон Жомий, Дурбек, Атоий, Рағбузий, Гёте, Хоразмий ва бошқа улуғлар қўл урган мавзуларга яна қайтиш ўзига хос жасорат, бениҳоя катта масъулият талаб этади.

Ушбу қўлёзмани ўқий туриб Д.Ёрматованинг Самарқанд вилоятининг Жом қишлоғида таваллуд топгани учун Абдураҳмон Жомийнинг ёзган «Юсуф ва Зулайҳо» асарига иштиёқ билан мурожаат этган афсонавий муҳаббат тафсилотини насрда баён этишга жазм қилган, деган фикрга олиб келади.

Китобда буюк севги қиссаси олдингиларга ўхшамаган бошқа кўринишда, қаҳрамонларнинг ҳаёт йўли, ота-онанинг фарзандга меҳри ва севишганларнинг ишқ дардида чеккан азоб-уқубатлари тасвирланган. Муаллиф асар давомида табиатга жуда кўп мурожаат қилган ва чиройли ташбех ҳамда ўхшатишлардан фойдаланган. Асарда муаллиф ўз олдига қўйган вазифани уddaлаган.

Ўйлаймизки, «Юсуф ва Зулайҳо» асари қўпчиликка манзур бўлади ва китобхонлар буюк севги қиссасини иштиёқ билан ўқишиди.

**Сайди Умиров –** Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси;

**Маҳкам Маҳмудов –** Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

## МУҚАДДИМА

«Юсуф ва Зулайҳо» номли севишигандар достони бутун ер юзидағи халқларнинг дурдона асари ҳисобланади. Дарҳақиқат «Юсуф ва Зулайҳо» достони турли тилларда ёзилган ва қадим ўтмишишимиздан бугунгача миллий бойлик сифатида улуғланиб келинади.

Асарнинг дастлабки тарихи эрамизгача бўлган халқ оғзаки ижодидан бошланган. Маълумки, бу достон ва унинг қаҳрамонларига мусулмонларнинг муборак китоби «Куръони карим»да, шунингдек, «Таврот» ва «Инжил» да ҳам алоҳида суралар бағишлиланган.

Бу достоннинг тарихи жуда қадим ўтмишга тақалади. Инсоният мавжуд экан, бу достон оғиздан оғизга, сўнгра ёзув орқали бизгача етиб келди. Айтишимиз мумкинки, бу асар ва унинг қаҳрамонлари халқ орасида ўз мавзуси билан халқقا яқин, яъни унинг дардлари, ташвишлари, энг аввало, севги-муҳаббатни баён этгани учун ҳам ҳамон яшаб келмоқда.

Достонда олға сурилган Ишқ ғоясида даставвал Яратганга бўлган муҳаббат ҳақида сўз кетади. Инсон барча қийноқ ва синовлардан ўтиб, сабр-бардош билан илоҳий ишққа етади. Ишқ йўлидаги муҳаббат азобларини, фироқ ва ҳижронда ўртаниш висолнинг мавжудлигини билдиради.

Шуни айтиш жоизки, бу достоннинг 150 нусхаси бўлиб, уларнинг талқинлари бир-бирига ўхшамайди. Улардан 50 таси бадиий асарлардир. Бу назм гулшанида жавлон урган, қалами ўткир буюк сиймолар ишқ достонини ўзларича талқин қилиб, китобхонларга етказиб бердилар. Фақат достон охиридаги баҳтли висол кўнгилга хуш ёқади.